

ИСАЖОН СУЛТОН ҲИКОЯЛАРИДА ДЕТАЛ ОБРАЗ ЯРАТИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Гўзалхон Хамдамбековна ОХУНОВА

мустақил изланувчи
Фарғона давлат университети
Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада деталларнинг образ яратишдаги аҳамияти қисман ёритилиб, мазкур унсурнинг асардаги бутун бир тасвири, қаҳрамоннинг портретини, характер қирраларини ас эттиришдаги ўрни атрофлича ёритилган. Хусусан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг бир қатор ҳикоялари мисолида деталнинг ёзувчи фикрини аниқлаштириш, тўлдириш, кучайтириш мақсадларига хизмат қилган ҳолда муаллиф концепциясини амалга оширишдаги ўрни таҳлил қилинган ҳамда образнинг руҳий ҳолатини очишда муҳим бадиий эстетик функция бажаргани аниқланган.

Таянч сўзлар: портрет детал, пейзаж детал, бадиий образ, психологик таҳлил, детал-сарлавҳа.

ДЕТАЛЬ КАК СРЕДСТВО СОЗДАНИЯ ОБРАЗА В РАССКАЗАХ ИСАЖОНА СУЛТАНА

Гузальхон Хамдамбековна ОХУНОВА

Независимый исследователь
Ферганский государственный университет
Фергана, Узбекистан

Аннотация

В данной статье частично освещается значение детали в создании образа, подробно описывается роль этого элемента в создании целостного образа произведения, портрета героя и черт характера. В частности, на примере ряда рассказов народного писателя Узбекистана Исажона Султана анализируется роль детали в реализации авторского замысла, служащей целям уточнения, дополнения и усиления мысли писателя. Также выявляется, что она выполняет важную художественно-эстетическую функцию, раскрывая духовное состояние персонажа.

Ключевые слова: портретная деталь, пейзажная деталь, художественный образ, психологический анализ, деталь-заглавие.

Бадиий асар, айниқса, насрий асарларда қаҳрамон характерини яратиш ва унинг руҳий оламини чизишда ёзувчи кўплаб бадиий воситалардан фойдаланади. Қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси ва ички дунёсини тасвирлаш, бадиий деталлар (хатти-ҳаракат, нутқий деталлар,

коллизияли кечинмалар), моҳирлик билан қўлланган пейзаж тасвири персонаж руҳиятини очишда синалган усуллардан ҳисобланади. Шу асосда айтадиган бўлсак, бадиий асар таркибида қўлланган кичик бир деталдан тортиб, сюжет, композициягача барчасининг асар ғоясини юзага чиқаришда бажарадиган поэтик функцияси мавжуд. Шу жиҳатдан қараганда, деталлар ҳам асар таркибидаги муҳим унсурлардан биридир.

“Бадиий детал асарда тасвирланган образнинг кичик бир қисми (яъни у ҳамиша предметлиликни кўзда тутди), деталларнинг бирикуви натижасида ўша образ кўз олдимизда бутун ҳолда намоён бўлади” [10].

Деталнинг бадиий асардаги энг муҳим вазифаси кичик ёки майда тафсилот орқали бутун бир тасвирни, қаҳрамоннинг портрети, характер қирраларини аниқ ва тўлиқ кўрсатиб беришдан иборат. Бадиий деталларни “ёзувчи матнда ўз-ўзича қўлламайди, у ўз фикрини асослаш, таъсирли чиқиши учун фойдаланади. Детал қачонки бадиий матнда бадиий эстетик ва эмоционал вазифа бажарсагина, муаллиф кўзлаган мақсадига эришади” [9]. Бунда албатта танланган детал асар мазмунини ўзида акс эттириши, унга юкланган бадиий мазмунни тўлақонли жамлаши ва энг муҳими, ўринли қўлланиши лозим. Воқеликнинг ҳаққонийлигини тасвир этишда бадиий деталнинг ўрни персонажларнинг муҳим қирраларини ёритиб беришида кўзга ташланади, баъзан эса биргина детал бутун бир асар мазмунига тенг ғояни ўзида мужассам этади.

Исажон Султон ижодига хос хусусиятлардан бири – ёзувчи ғоявий-бадиий ниятини ифодалашда деталларга мурожаат этишида, бугунги давр муҳитининг ижтимоий-социал муаммоларини кўрсата олиши, уларни мажозий-рамзий тарзда дадил акс эттириши, ҳақиқатдан йироқдаги воқелик тасвирини тўлақонли ҳаққоний ва ҳаётий гавдалантиришда, ўзига хос баён услуби ҳамда инсоният ва мавжудот ўртасидаги айрича уйғунлашувни бадиий мушоҳада орқали ишонарли ифодалаганлигида янада яққол кўзга ташланади

Маълумки, замонавий ўзбек ҳикоячилигида самарали ижод қилаётган истеъдодли адиблар ўз бадиий ниятини рамзлар, мажозлар, турли тимсол(символ)лар ёрдамида ифодаламакда. Бу каби образларни тасвирлашда бадиий деталнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ушбу жиҳат бугунги кун ҳикояларининг ўқимишлилигини, муаллиф бадиий асарга юклаган ғоянинг эмоционал таъсирчанлигини ошириб, ўқувчи-китобхонни теранроқ фикрлашга, ҳикояларга оддий матндек эмас, балки таҳлилий тафаккур маҳсули сифатида ёндашиб, ўқишга ундамокда. Ушбу ҳолат ҳикоя жанрининг ўзига хослигини таъминлабгина қолмай, унинг бугунги даврдаги янгича руҳда яратилаётганлигидан, бадиийлик мезонлари мураккаблашиб, муаллиф кўзлаган бадиий ниятини тўлақонли акс эттираётганидан далолат беради. Хусусан, рамзий тимсоллар ва мажозий образлар орқали тасвирлаш туфайли ҳозирги ҳикояларда фалсафий маъно юки ортиб бормокда. Бундай “ҳикояларда сюжетга туртки берадиган ботиний туйғу билан бирга мазмунни бойитадиган, хулоса чиқаришга арзийдиган, ўқувчи юрагига таъсир қиладиган залворли фикр ҳам мавжудлигини сезиш қийин эмас. Ҳикояда фалсафий юк залворли бўлиши учун муаллифлар зерикарли баёнчиликдан қочишлари лозим. Бинобарин, воқеанинг шиддат билан ривожланиши – жанрнинг муҳим талабларидан бири”дир [2]. Бу жиҳатдан, Исажон Султоннинг масалага ёндашуви ўзига хос бўлиб, адиб асарларида ўз ғоявий ниятини ўқувчи-китобхонга етказиш учун рамз ва тимсоллардан ғоят унумли фойдаланади. Муаллиф “ҳикояга асос қилиб олинган реал воқелик оғирлигини ғайритабиий вазиятлар ҳамда рамзлар зиммасига юклайди. Яъни ҳикоя мазмунини очиш вазифасини инсон образи эмас, аниқ рамзий образлар, деталлар, белгилар, шартли эпизодлар бажаради. Масалан, “Қисмат”, “Сувдаги коса” каби ҳикояларида фикр Ҳасан ва Ҳусаннинг доимий ҳамроҳи бўлган қушлар, аравадаги сув тўла кўзалар, кўп қаватли уй ёнида шарқираб оқаётган дарё, балиқ, денгиз, коса ва қайиқ сингари деталлар воситасида илгари сурилади. Улар воқеалар ривожини асосида сайқалланиб, мукаммаллик касб этиб, охир-оқибатда бадиий образ даражасига

кўтарилади” [2]. Чунончи, ушбу деталарсиз ҳикоя мазмунини тўлақонли тушуниш мушкулдир. Демак рамзий образлар яратишда муаллиф ҳикояларида бадиий детал бадиий эстетик-функция бажаради ва муаллиф концепциясини амалга оширишда муҳимлик касб этади.

Унинг ҳикоялари психологик тасвирнинг мукамаллиги, метафорик образлар ва фалсафий тафсилотларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Адиб ҳикояларида бадиий деталлар образ яратишда қаҳрамонларнинг феъл-атвори ва ички кечинмаларини чуқурроқ очиб бериш учун хизмат қилади. Масалан, қаҳрамоннинг кийими, юз ифодаси ёки атроф-муҳит билан боғлиқ кичик тафсилотлар ҳам персонаж характерини тасвирлашда муҳим рол ўйнайди: “Отам жуда қувватли, кафтлари улкан-улкан. Йўғон бармоқларидан тутиб, отамга бошимни буриб қарайман. Мевалар пишса, елкасига чиқиб оламан, дарахтнинг ҳўв учидагиларгаям қўлим етадиган бўпқолади” [1]. Ушбу парча “Отамга нимадир бўлди?” ҳикоясидан олинган бўлиб, “кафтлари улкан-улкан”, “йўғон бармоқлари” тафсили орқали “ота”нинг забардаст, бақувват инсон эканлиги англашилса, “мевалар пишса, елкасига чиқиб оламан” воқелик детали орқали “ота”нинг меҳрибон инсонлигига ишора қилинади.

Бадиий образнинг индивидуал хусусиятларини очиб беришда деталларнинг ўрни жуда муҳим. Шу ўринда ҳикояда воқелик атмосферасини яратишда майда деталлар алоҳида рол ўйнайди. Масалан, ёмғирли об-ҳаво ёки қаҳрамоннинг шошилишч юриши унинг руҳий ҳолатини акс эттириши мумкин.

Адабиётшунос олим Йўлдошхўжа Солижонов Шукур Холмирзаевнинг учта ҳикоялари таҳлилига бағишлаб ёзган “Деталлар тилга кирганда” номли мақоласида ҳикояларнинг бошланишиданоқ бутун воқеликка татиғулик муҳим деталларга эътибор қаратади. Ёзувчининг “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди”, “Булут тўсган ой” ва “Кузда баҳор ҳавоси” номли ҳикояларидаги пейзаж деталлар “ғужумча”, “ёмғир”, “шамол”, “дўлана” манзарани тўлдириш, тасвирни кучайтириш ниятида келтирилгани йўқ, балки ҳикоя

кахрамонларининг характерига, табиатига, тақдирига у ёки бу даражада дахлдор деталлардир” [3]. Адабиётшунос мақолада бутунлик, яхлитлик, тугалланганлик ҳикоя жанрининг энг муҳим белгилари ҳисобланса, уларни таъминлашда деталнинг ўрни жуда катталигини алоҳида таъкидлайди. Олим Шукур Холмирзаев ҳикояларининг сарлавҳаси ва унда қўлланган деталларо семантик-структур муносабатга жиддий аҳамият беради. Кўриниб турибдики, деталлар асарда келтириладиган воқеликни кам-у кўсти ёки бутунлай бўй-бастини акс эттиришда етакчи восита ҳисобланади.

Исажон Султон ҳикояларида эса деталлар портрет, пейзаж, маиший деталлар кўринишида учрайди. Улар ҳикояларда воқеликни бадиий бутунлигини таъминлашда, образлар руҳий ҳолатини тасвирлашда, характерлар шаклланишида, образларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини ифодалашда, муаллиф концепциясини амалга оширишда муҳим саналади. Ҳикояда бош каҳрамоннинг маълум бир вазият ифодасидаги ўрни, ўй-хаёлларини реал тасвирлашда, ўқувчи-китобхон кўз ўнгига ҳаққоний бадиий тасвирни акс эттиришда алоҳида аҳамият касб этади: “Бир неча кундирки, хаёлимда шу ўйлар. Уйимизга кимлардир келишади, маслаҳатлашишади, кейин отам онам билан узоқ-узоқ гаплашади, мен қулоқ солиб ётаман. Печкада ўтин чирсиллайди, баъзан нам новда вишиллаган овоз чиқаради, шунда хивичдан отилиб чиқаётган ингичка буг оқими кўз олдимга келади. Кўпинча узум новдаси шунақа сас чиқаради, бошқа ўтинлар гурилламайди, аммо ёнганидаги товуши ҳар хил бўлади. Ўша турфа товушларгаям қулоқ солиб ётавераману ухлаб қоламан” [1]. Айнан шу матнда хўл ўтинларнинг ёниши, оиланинг иқтисодий инқирозидан дарак беради. Муаллиф бола тилидан айнан оиланинг яшаш шароити ҳақида китобхонга ишора беради. Масалан, “новда вишиллаган овоз чиқаради”, “Кўпинча узум новдаси шунақа сас чиқаради” – берилган тасвирларда келтирилган деталлар боланинг тасаввурида қизик бўлса ҳам, аммо оила учун бу яшаш тарзидаги қийинчиликларга ишора қилинади. “сас” сўзининг муаллиф томонидан қўлланилиши тасвирдаги контраст ҳисобланиб,

қўлланилиши мумкин бўлган овоз сўзига нисбатан бадиийлиги юқори саналиб, атайлаб эмоционалликни таъминлаш учун қўлланилганлигини кўрсатади. “Печка”, “ўтин”, “вишиллаган новда овози”, “хивичдан отилиб чиқаётган ингичка буғ оқими”, “турфа товушлар” каби элемент деталлар “бола” рухий ҳолатидаги отанинг уйдан бошқа бегона жойга бормаслиги, бутун вужуди қулоқ бўлиб, “уйининг” ҳар бир бурчагидаги нарсаларнинг овозини фарқлаши, унинг синчков, зийрак ва отасига бўлган беғубор меҳрининг юқори эканлигини акс эттиради. Айни ўринда ёзувчи-муаллифнинг ўзига хос баён услуби ва маҳоратини ҳам кўрсатиб беради.

Умуман, Исажон Султон ҳикояларидаги бадиий детал воқеаларни жонлантириб, ўқувчига визуал манзара яратишга ёрдам беради. Муаллиф фалсафий фикрларни англатишда ўз ҳикояларида майда деталлардан тимсоллар сифатида фойдаланади. Масалан, ғира-шира чироқ ёки ёнган шам ҳаётнинг ўткинчилиги ёки инсоннинг ички изтиробларини англатиши мумкин. “Отамга нимадир бўлди?” ҳикоясида эса тушда кўрилган воқеликдаги тафсилот деталлар орқали боланинг рухий ҳолати акс этирилиши билан бир ўринда “четга ишлашга кетган ота”нинг ҳолатидан дарак белгиси рамзий ифодаланади: “Уйимиздан отлар чиқиб кетишаётганмиш, ҳаммаси баланд бўйли, ёллари қилпираган, аммо эгарлари бўм-бўш отлар...” [1].

Мазкур ҳикоя бугунги ҳаётимизнинг энг муҳим томонларини ифода этган бўлиб, унда оилавий қийинчилик сабаб рўзғорини бут қилиш мақсадида ўзга юртларга чиқиб кетаётган оталар ҳаёти ва болаларнинг ота меҳрига зор бўлиш жараёни аниқ тасвирлар орқали ҳикоя қилинади. Бола руҳиятидаги ўзгаришлар, унинг армонлари ва орзулари ҳикоянинг асосий образларидан бири бўлган бола образи мисолида реал тасвирлаб берилади. Бола руҳиятининг нозик жиҳатлари бадиий деталлар воситасида кўрсатилади. “Уйдан чиқиб кетаётган отлар” тасвири эса “отанинг кетиши”, “бари баланд бўйли” детали орқали “ота”га ишора қилинади. Шунингдек, муаллифнинг ушбу ҳикоясида бадиий детал муҳим эстетик ва семантик юк

кўтаради. Ушбу ҳикояда майда тафсилотлар орқали қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолати ва воқеалар ривожини очиқ берилади. Ҳикоядаги бадиий деталларнинг вазифаси ҳам асосан бош қаҳрамон психологик ҳолатини очиқ беришида яққолроқ намоён бўлади. Ҳикояда қаҳрамон отасининг ўзгариб бораётган руҳиятини кузатади. Шу жараёнда унинг юз ифодалари, ҳаракатлари ва овози билан боғлиқ майда деталлар орқали ички кечинмалар акс эттирилади. Масалан, отанинг нигоҳи, сўзлаши ёки қадам босишидаги ўзгаришлар унинг руҳий изтиробларини акс эттиради. Аслини олганда “ота” ҳам “мўъжазгина уйи”, “меҳрибон болалари”, “катта халтага нон, талқон, тутмайиз солса-да, юрагининг туб-тубида хўжайинининг кетишини хоҳламаётган аёл”ини ташлаб кетгиси келмаслиги ҳолати ҳам жуда реал тасвир этилган. Тимсоллар ва яширин маъноларнинг кўрсатиб берилиши ҳикоянинг ўқимишлилигини, серзавқлилигини таъминлайди. Шу ўринда ушбу ҳикоядаги “соғлар”, “нур”, “шамол” каби табиат манзаралари орқали инсон тақдири ва ҳаётининг ўткинчилиги ифодаланади. Ота образининг жисмоний ўзгаришлари ҳам метафорик маъно касб этиб, инсон онги ва ҳаёти ўртасидаги боғлиқликни англатади. Ҳикояда тасвирланган воқеалар кечаётган жойнинг майда деталлар билан берилиши ўқувчига ўша муҳитни ҳис қилиш имконини беради. Масалан, “хона ичи”, “отанинг қадди букилганлиги”, “юзидаги ажинлар” каби тасвирлар воқеанинг драматик тус олишини кучайтиради. Баъзи деталлар воқеаларнинг олдиндан сездирилиши (пролепсис) учун ишлатилади. Бу эса деталларнинг сюжет ривожидagi муҳим ўрнини белгилайди. Масалан, отадаги ўзгаришларни фарзанди дастлаб оддий чарчоқнинг белгиси деб ўйлайди, аммо ҳикоя давомида бу ўзгаришларнинг чуқурроқ сабаблари борлиги аён бўлади.

Исажон Султоннинг “Ёғоч кавуш” ҳикоясида бадиий детал муҳим поэтик восита сифатида хизмат қилади. Ушбу ҳикояда деталлар қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолати ва сюжетнинг драматик ҳаракат мазмунини очиқ беришга хизмат қилади. Ҳикоядаги бадиий деталларнинг вазифаси образларни тўлақонли гавдалантириб беришда

кўринади. Унда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати майда деталлар орқали тасвирланади. Масалан, ёғоч кавуш нафақат оддий буюм сифатида, балки рамзий тимсол сифатида ҳам ишлатилади – у ота ва бола ўртасидаги боғлиқлик, кадрдонлик ва йўқотиш ҳиссини акс эттиради. Рамзий деталларнинг яширин маъноларни кўрсатиб беришини ҳам ушбу ҳикояда учратиш мумкин. Ёғоч кавуш – бу қаҳрамоннинг болалиги, ўтмиши ва оилавий қадриятлар билан боғлиқ тимсоллардан биридир. Ҳикояда отанинг кавушга бўлган муносабати орқали “ҳаётнинг ўткинчилиги”, “инсон қадри” ва “ажралиш фожеаси” тасвирланади. Ёғоч кавушнинг овози ҳам ўзига хос деталлардан бири бўлиб, у ҳар сафар эшитилганда, ўтмиш эсга тушади ва соғинчли унутилмас ҳис-туйғулар уйғотади. Ҳикояда "ёғоч кавушнинг тақиллаши", "уй ичи", "отанинг ҳаракатлари" каби тафсилотлар орқали ҳаётнинг бир текис ва секин-аста ўзгариб бориши акс эттирилади. Ота билан бола ўртасидаги сукунат, ота қадамларининг овози каби деталлар ҳикояга реалистик руҳ бағишлаб, сюжетни олдиндан сездиришда, воқеалар ривожини ўқувчи-китобхон томонидан англашилишида муҳим ўрин тутади. Масалан, “ёғоч кавушнинг аста-секин эскириши ва йўқолиши” [4] – “отанинг ҳаёт йўлининг тугаб бораётганини” тимсоллайди. Ушбу тафсилотлар ҳикоянинг чуқур психологик ва драматик мазмунини янада кучайтиради. Мазкур ҳикояда ёғоч кавуш детали ҳикоянинг асосий лейтмотивини таъминлайди.

“Лейтмотив – бу асарда (адабий, мусиқий ёки кинематографик) қайта-қайта такрорланадиган ва муаллифнинг ниятини, характерини ёки асосий ғоясини очиқ беришга хизмат қиладиган етакчи мотив. Бу такрорлаш ва ўзгартириш орқали махсус рамзий ёки психологик маънога эга бўлган маълум бир тасвир, тафсилот, ибора, сўз ёки мусиқий мавзу бўлиши мумкин” [11]. Мазкур ҳикояда ҳам ёғоч кавуш детали асосий бадиий детал сифатида иштирок этади. Асарда ижтимоий ҳаёт қийинчиликлари туфайли рўшнолик кўрмаган отанинг изтироблари ифода этилади. Ота ўз қизини бахтли кўриш учун, унинг қорни нонга тўйиши, чиройли устибошда юриши, оғир меҳнатдан қутулиши учун ёғоч кавуш ясаб беради. Оёғи катта бўлиб

кетмаслиги учун ҳаракт қилади. Муаллиф ҳикоядаги шолочи бой тасвирини шундай келтиради: “Шолочи бой семиз, кўзларини ёғ босиб кетган киши бўлиб, гавдасини кўтаролмагани учун уни аравага солиб юришар, баъзан тахтиравонга солиб ҳам келишарди” [4]. Тасвирда келтирилган деталлар шолочи бойнинг қандай одам эканлиги ҳақида тўлиқ маълумот беради. Ота яхши кун кўриши ва оғир меҳнатдан қутилиши учун ёш қизчасини шу одамга беришга мажбур. Хуан-Ши ундан-бундан юқори табақа кишиларига қанақа қизлар ёқишини суриштиради. Ва қизини улар истагандек тарбиялаш учун қизига ёғоч кавуш кийдиришга мажбур бўлади. Муаллиф бу жараённи шундай изоҳлайди: “Хуан-Шининг юраги ачишса-да, боламни келажагини ўйлаб шундай қияпман-ку, деган ўй таскин берар эди. Бугун у жуда чарчади. Оёқларини шолипоя сувчаёнлари, зулуклари чақиб ташлаган, билаклари ачишар, тани ором истар эди. Бола ҳаёт нималигини қайдан билсин? Ҳали вақти келганида, шу қашшоқлик гирдобидан чиқаргани учун отасидан миннатдор бўлади, албатта. Ўзига қўйиб берсанг, ота яшаб ўтган қаттиқ кунлар унинг ҳам бошига келсинми? Боласининг жони ҳозирча оғриси оғриси, бу уқубат ортида қизчанинг бахтли келажаги турибди, ахир” [4]. Муаллиф ривоятида берилган “шолипоя сувчаёнлари”, “зулуклари” деталлари отанинг оғир аҳволини кўрсатади, қизини ҳам шу куйга тушмаслигини истайди. Бу азобларга чидашнинг ўзи бўлмаслигини китобхон ҳам тушунади. Келтирилган деталлар оиланинг оғир аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот беради. Шундай қилиб, детал ҳикояда образ ижтимоий ҳаётини кўрсатиб беришдан ташқари, отанинг ўз қизига қўйган талабини асосли эканлигини ҳам билдиради.

Исажон Султон ҳикояларидаги образлар янги давр кишилари, ахборот асри намоёндалари, энг сўнгги илмларни пухта ўзлаштирган, сув қилиб ичган одамлар бўлишига қарамай, уларнинг илдизи ҳамиша миллийликдан озиқланиши билан аҳамиятлидир. “Йигирма биринчи асрнинг саккиз яшар боласи” ҳикояси сўзимизга яққол мисол бўла олади. Ёзувчи мазкур ҳикояда телевизор деталидан фойдаланган. Зангори экран детали орқали бола образи

ва унинг атрофини темир кўрғондек ўраб олган ахборот хуружлари, энгилфор илм-фан технологиялари, турли-туман маданият оқимлари хусусида ҳикоя қилади. Биламизки, аср кашфиётлари фақат яхшиликкагина хизмат қилмайди. Ҳар қандай янгиликдан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. XXI аср боласи эса, минглаб технологиялар ривожланган даврда яшайптики, бу талотўп ичида инсон ўзлигини асраш, миллий қадриятларини сақлаб қолиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Исажон Султон телевизор детали орқали ўша технологиялар таъсирини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Унда бола турли каналларни томоша қилади, биридан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига олиб, турли давлат, элат, миллатлар ҳаётига алоқадор янгиликлар билан танишади: япон профессорининг шоу дастурига айланиб кетган харакири (ўз жонига суиқасд) қилиш жараёни, ярим яланғоч семиз кишининг улкан тош ҳайкали қошида кўрсатилаётган будда маросими, Спасе дастури, ТВ-қиморхона, бокс мусобақаси, бошқа каналда эса ген ўзгартиришлари орқали куш каби сайровчи каламушлар бинога келтирилаётгани, дикторларнинг XXI аср – мутация ва мисли кўрилмаган ўзгаришлар асри бўлажак дея бонг ураётгани ва ҳоказо... Ҳикояда бола яна бир дастурни кўрадики, бу дастур ҳалок бўлган маданиятлар ва тамаддунлар ҳақида эди. Унда бутун бошли халқлар ва маданиятлар кучли шамол, зилзила, чакмоқ, бўрон ва ҳоказо балолар туфайли ер юзидан тамомила супурилиб кетгани ҳақида ҳикоя қилинар эди. Асарда шамол, зилзила, чакмоқ, бўрон оддий табиат ҳодисалари эмас, бадий детал сифатида гавдаланиб, миллат илдизини қирқадиган оммавий маданият, аср ютуқларидан нотўғри фойдаланиш, билиб-билмай Ғарб маданиятига эргашиш оқибатида халқларнинг йўқолиб кетиши ҳеч гап эмаслигига ишора қилади. Ҳамда ёзувчи миллат болаларининг зиммасига ўзлигидан, аслидан айрилмаслик каби катта масъулиятни юклайди. У болаларни улкан куч-қудрат манбаи, шахс сифатида билади ва ишонади. Исажон Султон ҳикоясидаги саккиз яшар бола образи ҳам умуминсоний қадриятлар асосида улғаяётганлиги учун аср

кармоқларининг асирига айланмайди. Уни шарқона тарбия ҳимоя қилиши асар сўнгида ойдинлашади:

“Шу маҳал ҳовлида кимдир томоқ қирди. Ота ишдан қайтган эди.

Бола телевизорни ўчириб, шошиб Ота қаршисига чиқди ва дона-дона қилиб салом берди...

... Она овқатни сузиб келтирди.

– Отамнинг қошига бордим, – деди Ота, Онага. – Жами ўтганларимизнинг ҳақларига дуо қилиб келдим.

– Худо рози бўлсин, савоб қилибсиз, – деди Она.

– Овқатга қаранглар, болаларим, – деди Ота, лекин болалар қўл узатмай, Отани кутишарди. “Бисмиллоҳ” деб Ота таомга қўл узатди, болалар ҳам Онанинг қўл узатишини кутдилар. Онадан сўнг Ака, Опа, сўнгида у қўл узатди” [5].

Ёзувчи ҳикояда ота ва она образи воситасида оилавий муҳитни, ўзбекона турмуш тарзини ёрқин тасвирлар билан ифодалаб берган. Мазкур парчада биргина детал “томоқ қирди” ифодаси оиланинг устуни бўлган Отанинг Она ва фарзандлар олдидаги ҳурмати, обрў-эътиборини тўлақонли акс эттиришга хизмат қилган. Ушбу детал умумлаштириш функциясини ҳам бажарган. Яъни Отанинг “томоқ қириши” билан муайян ишларга шўнғиган болалар ўз юмушларини йиғиштириб, шу заҳоти унга пешвоз чиққан, аллақачон овқати пишган бўлса-да, Отанинг келишини кутаётган Она дарҳол таомини дастурхонга келтирган. Кўриниб турибдики, биргина ҳаракат детали ортида шарқона тарбия, оилавий муҳит, ота-она муносабатлари каби муҳим масалалар ўз аксини топган.

“Туман” ҳикоясида ҳам отасиз қолган тўрт ака-ука тимсолида бола образининг реал тасвири яратилган. Ҳикоя дастлаб муаллиф нутқи орқали баён этилади, сўнгра сўз жиловы персонажларнинг ўзларига берилади. Қиш қаҳратонида даштга ўтин қилиш учун келган ака-укаларнинг ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари, муносабати, ҳақиқий инсон, эркак бўлиб етилиш йўлида қийинчиликлардан қўрқмай олға юриш ҳақидаги фикрлари, гоҳ болаларча,

гоҳ катталарча ўйлари, хаёллари онасининг “супрақокди”сини тарбиялаш учун қилган кичик “ҳийла”лари ҳикояда ўз аксини топган. Асар воқеалари айнан қиш фаслида, туманли кунларда кечаётгани ҳам бежиз эмас. Болалар умрининг “қиш”ини яшаётганига ишора сифатида туман рамзий-детали киритилганки, буни ёзувчи сарлавҳа даражасигача кўтарган. Лекин Исажон Султон асарларида бола образи асло ожиз одам сифатида тасвирланмайди. Ёзувчи ҳикояларининг деярли барчасида бўй кўрсатган бола борки, руҳан, маънан бақувват, иродаси ва иймони мустаҳкам инсон сифатида ўқувчи ёдида қолади. Буни “Туман” ҳикояси қаҳрамонлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

“Жон ота, сиз бўлсайдингиз, бунақа бўлмас эди.

Уйда ўтин ғарам бўларди, биз ҳам шунақа туманларда ўтинга чиқмасдик. Катта акам елкалари майишиб, қопда ун олиб келмасди. Ўртанча акам билаклари зирқираб ўтин ёрмасди. Кичкина акам совқотмасди.

Жон ота, сиз борлигингизда акаларим бунақа эмас эдилар. Ёнингизда сиз билан бирга иш қилишса, суюниб кетардим. Тўрт томонимда тўртта тоғ бордай туюларди.

Сиз йўқсиз-да, акаларим мени мазахлашадиган бўлишди. Шунақа маҳалларда доим сизни эслайвераман. Катта акам тўнингизни кийиб юради. Баъзан кириб келса, отажоним келдимикин деб ичим севинчларга тўлади” [6]. Мазкур парчада пейзаж (туман, тоғ), маиший турмуш (ўтин, ун, тўн), портрет (елкалари майишиб, билаклари зирқираб), деталлари бўлиб, улар бирликда отасиз улғаяётган болаларнинг руҳиятини, машаққатларини, кундалик турмушини ўқувчи кўз олдида жонлантиришга хизмат қилади. Ҳикояда ўтин рамзий детал ҳисобланиб, у аслида, болаларнинг елкасига жуда эрта тушган рўзғор деган оғир юк эканлигини англатади. Туман деталлари ҳам рамзийлик касб этган ҳолда отасиз етимларнинг бошида чарх ураётган азоб-у машаққатларни билдиради. Ёзувчи юқоридаги деталлар орқали ака-укаларнинг характери, ҳаётнинг аёвсиз зарбаларига тайёрлиги, руҳий ва

жисмоний ҳолатини ифодалаган бўлса, тўн, тоғ деталлари билан Отанинг ҳамиша фарзандлар учун кўрғон эканлигига ишора қилади.

Исажон Султон “Бўри”, “Отамга нимадир бўлди”, “Ота қасидаси” “Озор” каби ҳикояларида ота образини ифодаларкан портрет деталлардан фойдаланган ҳолда бу улуғ зотнинг сурати-ю сийратини маҳорат билан акс эттиради. “Салдан кейин усти ёмғирда ивиган, дўппи кийган ўрта яшар бир киши дарбонлар ёнига яқинлашди.

Башанг йигитлар илк қарашдаёқ унинг кимлигини аниқлаб бўлишган, ҳар ҳолда юпунгина бу одамнинг ҳашаматли ресторанда қилар иши йўқлиги шу бир қарашдаёқ аниқ-равшан бўлган эди.

Кишининг сочлари оқарган, пойабзали ҳам анча уринган” [7]. “Ота қасидаси” ҳикоясидан олинган ушбу парчада “юпунгина”, “дўппи кийган”, “ўрта яшар”, “сочлари оқарган”, “пойабзали ҳам анча уринган” каби портрет деталлар орқали ўзбек оталарининг сиймоси жуда ишонарли тасвирлаб берилган. “Сочлари оқарган” детали умумлаштириш хусусиятига эга бўлиб, ҳали кексалик ёшига етмаган отанинг бутун умрини оғир меҳнат қилиб ўтказганини билдирса, унинг юпунлиги, пойабзали эскирганлиги эса топган-тутганини, бор-у йўғини фарзандларига бахш этганига ишора қилади.

“Озор” ҳикоясида эса қадри дунёдан ўтгандан сўнг билинган ота ҳақида ҳикоя қилинади. Бунда ёзувчи отанинг энг яқин дўсти ва ҳамроҳига айланган кучук тилидан айтилган нутқий деталлардан фойдаланган ҳолда унинг характерини очиқ берган. “Ўзи емасди эгам, болаларим есин дерди. Ўзи ичмасди, ўзи киймасди. Мумсик, эзилган бир одам эди” [8]. Кўриниб турибдики, мазкур парчада детал ёзувчи фикрини аниқлаштириш, тўлдириш, кучайтириш учун ҳам хизмат қилмоқда.

Ушбу ўринда, Исажон Султон услуби нозиклиги, интеллектуал юксаклиги билан ажралиб туриши ойдинлашади. Ҳикоя сўнггида ёзувчининг ўзидан эпилог сифатида хулоса берилиши эса асарнинг ўзига хослигини, ёзувчининг бошқаларда такрорланавермайдиган янгича баён услубини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Исажон Султон ҳикояларида бадиий детал образ яратиш воситаси сифатида: 1) образ руҳий ҳолатини очиш; 2) ижтимоий ҳаёт тасвирини бериш; 3) бош қаҳрамон ҳаракатларини изоҳлаш; 4) образ муносабатларини ифодалаш; 5) муаллиф концепциясини бериш сингари бадиий эстетик функцияларни бажаради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Отамга нимадир бўлди? <https://n.ziyouz.com/uzbek-nasri/isajon-sultonov/hikoya>
2. Солижонов Й. Мўжизалар сеҳри. – Тошкент: Адиб, 2013.
3. Солижонов Й. Деталлар тилга кирганда // Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.
4. Султонов И. Ёғоч кавуш. <https://n.ziyouz.com/uzbek-nasri/isajon-sultonov/hikoya>
5. Султонов И. Боқий дарбадар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
6. Султонов И. Ҳазрати Хизр изидан. – Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018.
7. Султонов И. Ота қасидаси. <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-nasri/isajon-sultonov-1967/isajon-sulton-ota-qasidasi-hikoya>
8. Султонов И. Озор. <https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/uzbek-nasri/isajon-sultonov-1967/isajon-sulton-ozor-hikoya>
9. Рустамова И. Абдулла Қаҳҳор насрий асарлари поэтикаси: Филология фанлари доктори диссертацияси. – Фарғона: ФарДУ, 2022.
10. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 411 б.
11. <https://translate.google.co.uz/>